



ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Умаров Жасур Турсунович

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси, и.ф.ф.д., (PhD). Тошкент, Ўзбекистон. jumarov@mf.uz, jumarovmf84@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss3/i25

Аннотация

Ушбу мақолада давлат харидлари соҳасини малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда такомиллаштириш йўналишлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Давлат харидлари, таълим, давлат буюртмачилари, масофавий таълим платформаси, малака ошириш.

Аннотация

В данной статье выделены осуществляемые реформы и направления совершенствования переподготовки и повышения квалификации, подготовка кадров в целях обеспечения сферы государственных закупок квалифицированными специалистами.

Ключевые слова: Государственные закупки, образование, Государственные заказчики, платформа дистанционного обучения, повышение квалификации.

Abstract

This article highlights the ongoing reforms and directions for improving the training, retraining and advanced training of personnel in order to provide the sphere of public procurement with qualified specialists.

Keywords: Public procurement, education, government customers, distance learning platform, training.

Кириш

Ҳар бир соҳа ривожланишида юксак салоҳиятли кадрлар масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бу борада юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, деб ном бериш таклиф қилинганлиги, шунингдек, “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир”, “... биринчи

навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни қўллаб-қувватлашга қаратамиз” деб таъкидланганлиги бежизга эмас албатта¹.

Шу маънода давлат харидлари соҳасини ҳам малакали кадрлар билан таъминлаш борасида тизимли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда ва ушбу ислохотларни давом эттириш зарур ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

А. Метлина давлат харидлари соҳасида мутахассис тайёрлаш бўйича таълим дастури таълим ва касбий стандартнинг белгиланган талабларига жавоб бериши керак деб таъкидлаб ўтган².

В. Цибилов ўз тадқиқотларида АҚШ ва Буюкбританияда давлат харидлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш билан лицензияга эга бўлган хусусий ташкилотлар шуғулланади, таълим таълим хизматларини кўрсатишда бир-бирлари билан рақобатлашади деб таъкидлаб ўтилган³.

Тадқиқот методологияси

Давлат харидларига оид ҳамда тегишли қонунчилик ҳужжатлари ўрганилган, таҳлил қилинган ва такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижасида илгари сурилган ғоялар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга қўлланилиши соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар

Ҳаммамизга маълум сўнги йилларда давлат харидлари соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат буюртмачилари ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун қулайликлар яратилмоқда, соҳада очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, давлат харидлари жараёнларини рақамлаштириш, давлат харидларини малакали кадрлар билан таъминлашга қаратилган тизимли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинганлиги ва унда давлат буюртмачиси, давлат харидлари электрон тизимининг оператори, ихтисослашган ташкилот масъул шахсларининг касбий маҳорати тегишли бўлинмалар ходимларига нисбатан соҳа бўйича маълумоти бўлиши, малакасини мунтазам равишда ошириши⁴, босқичма-босқич амалий тажрибага эга бўлиб бориши ва касбий фаолияти тўғрисидаги талабларни белгилаш йўли билан таъминланиши, шунингдек, давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахсни белгилаши шартлиги белгиланганлиги соҳани малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда таълим тизимини янада ислох қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармони қабул қилинди.

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

² Метлина А.Е. “Профессиональное обучение подготовка специалиста в сфере государственных закупок” ТДПУ 2020. 6 (212)

³ Цибилов В.А “О зарубежном опыте подготовки специалистов по государственным закупкам на примере США, Великобритании и Китая” 2019.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни 6-моддаси.

Ушбу Фармонда халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш, шунингдек, олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш зарурлиги белгиланди⁵.

Шунингдек, Концепцияда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш ва бу борада қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши белгиланди, жумладан⁶:

таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ўқув режалари ва дастурлари мазмуни ҳамда мутахассислик фанлари бўйича соатлар тақсимотини кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари асосида шакллантириш;

кадрлар буюртмачилари мурожаати асосида олий таълим муассасалари базасида ишлаб чиқаришдан тажрибали амалиётчиларни жалб этиш йўли билан мақсадли таълим дастурлари, профессионал малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари, тренинглар ташкил этиш механизмларини яратиш.

Давлат харидлари тизимини соҳага оид билим ва кўникмаларга эга кадрлар билан таъминлаш мақсадида ваколатли орган сифатида Молия вазирлиги (ҳозирги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги) томонидан бир қатор зарурий чоралар кўрилди ва амалий натижаларга эришилди. Жумладан:

Биринчи йўналиш, Давлат харидлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш. 2011 йилдан бошлаб давлат харидлари соҳасида янги давр бошланган деб ҳисоблайдиган бўлсак, бугунги кунга қадар тизим босқичма-босқич такомиллаштирилиб келинди. Соҳага оид қонунчилик база такомиллаштирилди ва мустаҳкамланди, давлат харидлари жараёнлари рақамлаштирилди, очиқлик ва шаффофлик янада оширилди, рақобат муҳити яхшиланди.

Давлат харидлари бўйича кадрларни тайёрлаш, жумладан, олий таълим тизимида мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш долзарблигича қолаверди.

Бу борада амалга оширилган саййи ҳаракатлар натижасида, давлат харидлари бўйича мутахассисларни олий таълим тизимида тайёрлашни йўлга қўйиш ташаббускори сифатида тегишли олий таълим муассасалари билан музокаралар олиб борим ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ҳамкорликда давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари бўйича зарурий ҳужжатлар тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “2022/2023 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги Ф-60-сон Фармойишининг 2-иловасида 2022/2023 ўқув йилида давлат олий таълим муассасаларининг магистратурасига

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармони 1-банди.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган Концепциянинг 5-ў.и.

давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари белгиланди ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетида давлат харидлари таълим йўналиши бўйича ўқишга қабул қилиш параметри белгилаб берилди.⁷

2022 йилга келиб, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида мамлакатимизда биринчилардан бўлиб давлат харидлари бўйича мутахассислани тайёрлаш бўйича “давлат харидлари таълим йўналиши” йўлга қўйилди.


Иккинчи йўналиш, Давлат харидлари бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Давлат буюртмачиларининг давлат харидлари бўйича масъул мутахассисларини билим ва кўникмаларини ошириб бориш тизимли ва самарали йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет ташкилотлари молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази томонидан доимий равишда ўқув курслари ва семинар тренинглари ташкил қилган ҳолда масъул мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини ошириш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунга кўра давлат буюртмачилари деганда бюджет ва корпоратив буюртмачилар тушунилади.⁸

Таълим жараёнларини рақамлаштириш ва фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида масофавий таълим платформаси (masofa.tcmf.uz) ишга туширилди (1-расм).



1-расм. Масофавий таълим платформаси (masofa.tcmf.uz)

Ушбу платформа орқали давлат буюртмачилари ҳамда етказиб берувчилар (тадбиркорлик субъектлари) давлат харидларига оид билим ва кўникмаларини оширишлари мумкин. Ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга сертификат бериш тизими ҳам йўлга қўйилган.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги Ф-60-сон Фармойиши 2-иловаси 6-банди.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни 19-моддаси.

Маълумот учун, 2022 йилда Ўқув маркази томонидан давлат буюртмачилари ва етказиб берувчиларнинг 3590 нафар давлат харидлари бўйича масъул мутахассисларнинг билим ва кўникмалари оширилган бўлса, шундан, 2923 нафари масофавий таълим платформаси орқали амалга оширилган.⁹

Шу билан бирга, давлат харидлари соҳасида амалга оширилган ислохотлар тўғрисидаги маълумотларни кенг оммага етказиб бориш мақсадида доимий равишда вазирликнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларидаги саҳифалари ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали пресс-релизлар, мақолалар ва интервью шаклидаги маълумотлар жойлаштириб борилмоқда. Қуйидаги линклар орқали батафсил танишиш мумкин.

<https://www.mf.uz/uz/news-mf-jx/item/1570-1570.html>

<https://t.me/minfinuzb/3420>;

<https://www.mf.uz/uz/news-mf-jx/item/1577-1577.html>

<https://kun.uz/news/2021/04/23/davlat-xaridlaridagi-shaffoflik-qanday-taminlanadimoliya-vazirligi-rasmiylari-bilan-suhbat>

<https://youtu.be/CJOSAVrq3aw>

Хулоса

Давлат харидлари бўйича малакали мутахассисларга талаб юқорилигини инобатга олиб қуйидаги йўналишларда ишларни амалга ошириш ва давом эттириш зарур ҳисобланади:

1. Давлат харидлари бўйича мутахассисларни тайёрлашни олий таълим муассасаларида бакалаврият босқичида ҳам йўлга қўйиш;

2. Давлат харидлари бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни хусусий секторга бериш ва бунда ўқув-режаларини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишиш;

3. Давлат хариди маблағларнинг сарфи билан боғлиқлигини инобатга олиб, ушбу йўналишда фаолият юритадиган мутахассисларни сертификатлаш тизимини жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “2022/2023 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги Ф-60-сон Фармойиши.

4. president.uz

5. lex.uz

6. mf.uz

7. tcmf.uz